

Қ А Р О Р

2023 йил март ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Қува туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов,

судья ёрдамчиси - Х.Абдуллаевнинг котиблигида, Қува тумани ИИБ ТП профилактика инспектори Д.Эралиевнинг иштирокида, Қува туман ИИБ бошлиғининг муқаддам судланган Норматов Фахритдин Мўйдиновичга нисбатан 1-3-1511-2303/45-сонли маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Норматов Фахритдин Мўйдинович, 1965 йил 2 май куни Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган, нафақада, Қува тумани, Пастки Хўжа-Хасан МФЙ, Ишонч кўчаси, рақамсиз уйда яшайди.

Ф.Норматов муқаддам судланган: 1) Фарғона вилоят судининг 1999 йил 14 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 156-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 244²-моддасининг 1-қисми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган; 2) жиноят ишлари бўйича Косон туман судининг 2016 йил 11 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 2022 йил 4 март куни жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган.

Қува тумани ИИБнинг тақдимномасида, Ф.Норматов муқаддам ўта оғир жиноят содир этгани, 2022 йил 4 март куни жазодан шартли озод қилинган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқармай 2023 йил 8 март куни Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 123-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этгани учун 150.000 сўм жарима жазоси тайинлангани, шундан сўнг, 2023 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 192-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этгани ва унга 100.000 сўм жарима жазоси тайинлангани кўрсатилиб, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш сўралган.

Иш ҳужжатларида, Ф.Норматовнинг муқаддам ўта оғир жиноят содир этиб судлангани ва сўнгги бир йил давомида икки марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, бунинг учун тегишли тартибда жавобгарликка тортилгани тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган.



Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрель кунги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси 1-қисми 3-хатбошисида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан - судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида суд томонидан маъмурий назорат ўрнатиш мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида”ги Қонунига амал қилиб суд,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Қува туман ИИБнинг Норматов Фахритдин Мўйдиновични маъмурий назоратга олиш тўғрисидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ф.Норматовга 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилиб, унга қуйидаги қўшимча чекловлар қўлланилсин:

-ҳар ойнинг 25 куни ИИБдан рўйхатдан ўтиб туришлик;

-яшаш жойини у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22⁰⁰дан 06⁰⁰га қадар тарк этмаслик.

-Қува туман ички ишлар бўлимининг рухсатисиз Қува тумани ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.

Қарордан норози томонлар қонунда белгиланган муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига шикоят ва протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

И.Норматов

Нусхаси аслига тўғри:

